

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги

5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

357 030
418
14.08.20

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университети.
- “Ўзагрокимёхимоя” АЖ

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410000 –Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабинирасмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигигатегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналишималака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
3. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.1. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.2. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8

1. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки васиртки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 5410300–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

-5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) фан ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси йўналиши бўлиб, ер, сув, энергетик ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш, ўсимликлар ҳимояси соҳасида амалга ошириладиган жараёнларини оптималлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш усул ва услублари, ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича касбий фаолиятида амалга ошириладиган жараёнлар бўйича масалалар ечимларини ўсимликларни ҳимоя қилиш қонуниятлари ва замонавий концепциялари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– ер, сув, энергетик ва моддий – техника ресурслари, ўсимлик касаллик кўзғатувчилари, зараркунандалари ва бегона ўтлар билан кишлок хўжалик маҳсулотларини омборхонларда зарарловчи зарарли организмлар, карантин зарарли;

– ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) соҳасида қўлланиладиган кимёвий, биологик ва бошқа экологик хавфсиз кураш воситалари ва усуллари;

–ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) соҳасида қўлланиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари, техника ва техник асбоб-ускуналар;

–илмий тадқиқот жараёнлари;

–ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) соҳаси корхоналари ва ташкилотларининг бошқарув тизимлари;

1.2.3. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув
- ишлаб чиқариш-технологик;
- илмий-тадқиқот;
- лойиҳа-технологик;
- сервис хизматини кўрсатиш (агротехник тадбирлар бўйича маслаҳатлар бериш);

1.2.4. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:

5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналишини бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) соҳасига тегишли технология ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини режалаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш;

- бошқарув қарорни қабул қилиш;

- замонавий ахборот технологиялар тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

- қишлоқ хўжалик ўсимликлари зарарли организмларининг тарқалиш харитасидан фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалик ўсимликлари зарарли организмлари тур таркибини аниқлаш;

- ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни ташкил қилиш ва қўллаш;

- ўсимликлар ҳимоясида самарали ва ресурстежамкор фаолиятни ташкил эта олиш; замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда кенг қўллаш;

-илғор технологик жараёнларни қўллаш; илмий асосланган тизимларни қўллаш ва тавсия қилиш;

-янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва оқилона фойдаланиш;

университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича “ахборот- маслаҳат маркази кафедра-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси” тизимини иштирок этиши;

-табiiй ресурсларни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хафсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- дала тажрибаларида вариантлар ва такрорланишларни жойлаштириш, кузатувлар ўтказиш;

- илмий иш ҳисоботи учун маълумотлар тайёрлаш;

- янги билимларни мустақил ўзлаштириш, ўз устида ишлаш ва илмий асосда иш фаолиятини ташкил этиш;

- қарор қабул қилиш, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавоб бериш;

- республика ҳамда хорижда чоп этилган қишлоқ хўжалиги соҳаси ва ўсимликлар ҳимояси ва карантинига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-технологик фаолиятда:

- агробиоценозларда зарарли организмлар тарқалиш харитасини тузиш;

- ўсимликларни зарарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари ва зараркунандаларини пайдо бўлишини ҳамда тарқалишини башорат қилиш;

- ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) соҳасида зарур техника воситаларнинг тайёргарлигини текшириш, ишлаб чиқаришга энг самарали механизация воситаларини танлаш

- лойиҳалаштиришда замонавий коммуникацион, информатика ва компьютер технологияларидан фойдаланиш;

Сервис хизмат кўрсатишда:

- хизмат кўрсатиш соҳаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдалана олиш;

- қишлоқ хўжалик экинлари касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларига қарши бажариладиган тадбирларни ўсимликлар клиникасини ташкил этиш орқали бевосита амалга ошириш.

2. 5410300 – ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенциясига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввурга эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

-қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.3. Касбий квалификациялар:

Ўсимликлар ҳимояси бўйича энтомолог, фитопатолог, акаролог, герболог, микробиолог, токсиколог, дезинфектор, биолоборатория мутахассиси, фумигатор, ўсимликлар ҳимоясида сервис хизмати фаолияти мутахассиси, ўсимликлар клиникаси мутахассиси, иссиқхонада ўсимликлар ҳимояси мутахассиси, ўсимликлар кимё технологи, ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини ходими, пестицидлар кимё технологи, зарарли организмларнинг башоратчиси, чигирткалар ва бошқа ўта хавфли зараркунандаларга қарши кураш фаолияти квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

3. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1.5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштирилиши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бундан ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллер, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки таълим шакли учун*
назарий ва амалий таълим	63 - 70%	63 - 70%	63 - 70%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	-	-
Аттестация	8 - 10%	8 - 10%	8 - 10%
Таътил	12 - 16%	12 - 16%	12 - 16%
Малакавий амалиёт	6 - 12%	6 - 12%	6 - 12%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-3%	2-3%

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Ўсимликларни ҳимоя қилиш, касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режаси ва фан дастури, ўқув жараёни, лойиҳа-технологик, педагогик, илмий-изланиш, сервис хизмати, баҳолаш, сифат назорати, мустақил таълим, технологик ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув, малака амалиёти, битирув малакавий иш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари.

5410300 – Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича)

бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.	Фаннинг малакавий коди	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00		Табий илмий ва гуманитар фанлар	1770
1.01	МТМ1104	Математика	120
1.02	ФМ1104	Физика	120
1.03	КМ1106	Кимё	180
1.04	БМ2204	Биология	120
1.05	БЎФМ 1210	Ботаника ва ўсимликлар физиологияси	300
1.06	ЎТМ1104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.07	ФМ3106	Фалсафа	180
1.08	ЎТМ1106	Ўзбек (рус) тили	180
1.09	ХТМ1108	Хорижий тил	240
1.10	ЎҚМ1103	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.11	ЖТМ1104	Жисмоний тарбия ва спорт	120
2.00		Умумқасбий фанлар	2430
2.01	ҚХМАМ 1207	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш	210
2.02	ҚХАКТМ 1206	Қишлоқ хўжалигида ахборот-коммуникацион технологиялар	180
2.03	ЭАМММ 2207	Экология ва атроф муҳит муҳофазаси	210
2.04	ТУПАМ 2309	Тупроқшунослик ва агрокимё	270
2.05	ДММ2308	Дехқончилик ва мелиорация	240
2.06	ЎШМ3306	Ўсимликшунослик	180
2.07	АГБТМ3306	Агробиотехнология	180
2.08	МСМ3308	Мевачилик ва сабзавотчилик	240
2.09	ҚМСҚИТМ 4308	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси	240
2.10	АБТЭБМ 3204	Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш	120
2.11	БҲСТМ3204	Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш	120
2.12	ҲФХМ2204	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	120
	ТФЕ3204	Танлов фанлари	120
3.00		Ихтисослик фанлари	2070
3.01	УМЭЗМ2408	Умумий энтомология ва зоология	240
3.02	УМФММ 2408	Умумий фитопатология ва микробиология	240
3.03	ЎСИММ 2404	Ўсимликлар иммунитет	120
3.04	МИКМ3408	Микология	240
3.05	ЎМКФЭМ 4406	Ўсимликлар ва маҳсулотлар карантинида фитоекспертиза	180
3.06	ЎУҲҚМ 4406	Ўсимликларни биологик химоя қилиш	180
3.07	ҚХЭНМ4406	Ўсимликларни кимёвий химоя қилиш	180
3.08	ҚХФИТМ 4406	Қишлоқ хўжалик энтомологияси	180
3.09	ТФЕ4411	Қишлоқ хўжалик фитопатологияси	180
	ЎУҲҚМ 4406	Танлов фанлари	330
4.00	ҚФЕ4409	Қўшимча фанлар	270
		ЖАМИ	6540
	МАЛАММ 1422	Малакавий амалиёт	660
		Яқуний давлат аттестацияси	
		Аттестациялар	
		Ҳаммаси	7200

Ўқув ишлари бўйича проректор, профессор

С.Я.Исламов



Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор Б.Сулаймонов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.



**Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
таъбиқ этиш маркази**

Директор З.Хақимов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

“Ўзагрокимёхимоя” АЖ

Раиснинг биринчи ўринбосари

Х.Бекбергенов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув
юртлари ва малака ошириш
бўлими**

Бошлиғи Ш. Жоникулов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

**Ўсимликларни химоя қилиш илмий
тадқиқот институти**








Директор К.Маматов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



**5410300 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)
бўйича бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари ва ўқув
режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

Т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	У Ортиқов	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети декани, факультет бўйича ишчи гуруҳ раиси	
2	А.Холлиев.	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	А.Анорбаев	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси кафедра мудири, профессор	
4	Х.Х.Кимсанбоев	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси профессори	
5	Б.Болтаев	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти	
6	А.Худойқулов	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти	
7	Н.Иргашева	Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси ассистенти	
8	М.Каримов	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси мудири	
9	З.Асқарова	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти	
10	Г.Содиқова	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти	
11	У.Рахмонов	Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси мудири, доцент	
12	Р.Гулмуродов	Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори	
13	У.Рахимов	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантини кафедраси мудири, профессор	
14	Н.Туфлиев	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантини кафедраси доценти	
15	Н.Шамуратова	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали агрокимё, ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси мудири	



Ректор Сулаймонов Б.А.

Ўқув ишлари бўйича проректор Исламов С.Я.

Декан Ортиқов У.Д.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий
фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора) нинг ташкилот (корхона) лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора) нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -қишлоқ хўжалиги экинлари зарарли организмлари (зараркунанда, касаллик, бегона ўт) систематикаси, морфологияси ва биологик хусусиятлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари ва воситалари тўғрисидаги билимларни пухта эгаллаши; -зарарли организмларнинг тарқалиш ареали ва экологиясини ҳамда уларни ички ва ташқи омилларга бўлган муносабатини яхши билиши; -ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини тармоқларида касбий билимларни амалда қўллаш; -индивидуал ва гуруҳларда ишлашда қарорларни қабул қилиш; -фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида янги билимларни тезкор эгаллаш; - қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш; -қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган майдонларда зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлар келтирадиган зарарни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш; -ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни ташкил қилиш ва бошқариш; -қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларини пайдо бўлишини ҳамда тарқалишини баҳорат қилиш; -энтомофаг, биопрепарат ва пестицидларни қўллаш; -ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш учун техника ва механизмларнинг

			<p>тайёрлигини текшириш, ишлаб чиқаришга энг самарали механизация воситаларини танлаш;</p> <p>-қишлоқ хўжалик экин майдонларида, боғларда, токзорларда карантин назоратини ўтказиш, экин учун зарур уруғлик, мевали дарахтлар қўчатлари, ўсимлик хом ашёлари, озик овқат маҳсулотларини турли карантин зарарли организмлар билан зарарланганлик даражасини билиш ва назорат қилиш;</p> <p>-ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш ҳамда техник ҳужжатларни юритиш қобилиятига эга бўлишлари керак;</p> <p>-атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тadbирларни амалга оширишни билиши керак;</p> <p>-иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;</p> <p>-инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш.</p>
2	5A410301	Ўсимликлар ҳимояси (усуллар бўйича)	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <p>-илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;</p> <p>- ўсимликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳасидаги касбий билимларни илмий асосда қўллаш;</p> <p>- ўсимликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳасидаги кўникмаларни турли махсус амалий дастурий воситалардан фойдаланиб амалда қўллаш;</p> <p>- ўсимликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳаси бўйича инновацион ғоялардан фойдаланган ҳолда энг самарали технологияларни илмий асосда жорий этиш;</p> <p>- ўсимликлар ҳимояси (усуллар бўйича) соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;</p> <p>- ўсимликлар ҳимоясининг назарий асосларини ва улубларини билиш;</p> <p>- ўсимликларни ва уларнинг маҳсулотларини зарарловчи ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларни ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;</p> <p>- зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик кураш воситаларини қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;</p> <p>-ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларида технологияларни ташкиллаштириш;</p>

			<ul style="list-style-type: none"> -ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларини амалга оширишда кимёвий ва биологик лабораторияларини ташкил қилиш, ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш технологияларини яратиш; - фойдали ва зарарли ҳашаротлар турларини систематик белгиларига ва зарарига қараб аниқлай олиш, уларни кўпайиш ҳамда тарқалишини башорат қилиш ишларини ташкил этиш ва бошқара олиши; - ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядларини, тажриба станцияларини, туман ва вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларини, илмий-тадқиқот институтларида лабораторияларидаги ишларни ташкиллаштириш ва бошқара олиши; - ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш, режалаштириш ҳамда татбиқ қилиш; -меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш; -ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва татбиқ этиш; -ишлаб чиқариш жараёнларини ва заҳираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; -замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш; -атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; -маҳсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни; - ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агротоксикология фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машгулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; -ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машгулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий ҳужжатларни тайёрлашни; -қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш; - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; --ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
--	--	--	---

3	5A410302	Энтомология	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш; - энтомология соҳасидаги касбий билимларни илмий асосда қўллаш; - энтомология соҳасидаги кўникмаларни турли махсус амалий дастурий воситалардан фойдаланиб амалда қўллаш; - энтомология соҳаси бўйича инновацион ғоялардан фойдаланган ҳолда энг самарали технологияларни илмий асосда жорий этиш; - энтомология фаолияти натижаларини тўғри баҳолаш олиш; - ўсимликлар ҳимоясининг назарий асосларини ва улубларини билиш; - ўсимликларни ва уларнинг маҳсулотларини зарарловчи ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларни ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтқизиш; - зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик кураш воситаларини қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтқизиш; - ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларида технологияларни ташкиллаштириш; - ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларини амалга оширишда кимёвий ва биологик лабораторияларини ташкил қилиш, ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш технологияларини яратиш; - фойдали ва зарарли ҳашаротлар турларини систематик белгиларига ва зарарига қараб аниқлаш олиш, уларни кўпайиш ҳамда тарқалишини баҳорат қилиш ишларини ташкил этиш ва бошқара олиши; - ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядларини, тажриба станцияларини, туман ва вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларини, илмий-тадқиқот институтларида лабораторияларидаги ишларни ташкиллаштириш ва бошқара олиши; - меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш; - ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш; - ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
---	----------	-------------	---

			<ul style="list-style-type: none"> - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; - махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни; - ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; - ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий ҳужжатларни тайёрлашни; -қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш; - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
4	5A410303	Фитопатология	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> -илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш; -мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши; - касалланган ўсимликларни ва касалликлар келиб чиқиш сабабларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориши; - касалликларга қарши кураш усулларини билиши ва уларни мукамаллаштириши; - ўсимлик касалликларига тўғри ташхис қўйиши; - қишлоқ хўжалик ўсимликларини касалликлардан ҳимоя қилишга тавсия қилинган янги фунгицидларнинг давлат синовларини ўтказишда қатнашиш; - ўсимликларни ҳимоя қилиш жараёнларни ташкиллаштириш; - ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича вирусология, бактериология ва микология лабораторияларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; - меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш; - ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш; - ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб

			<p>чиқаришга тадбиқ этиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; - махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни; - фитопатология фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; - ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни; -қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш; -талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; -ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
5	5A410304	Ўсимликлар химоясида мониторинг ва башорат	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - башорат қилиш , мониторинг, диагностика тушунчалари ва уларнинг ҳамда ахамияти ва мохияти; -зараркунанда ва касаллик ва бегона ўтларнинг турларини аниқлашнинг замонавий усуллари; - зарарли организмлар биоэкологияси ва систематикаси; - зараркунанда ва ўсимликларнинг ривожланиш фенологиялари; -зарарли организмларни аниқлаш ва хабарлашнинг замонавий усуллари; - ўсимликлар зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларни ривожланишини ва зарарини мониторинг қилиб бориш ва унинг усуллари тўғрисида; -ўсимликларни зарарловчи зараркунанда касаллик ва бегона ўтларни ривожланиши ва тарқалишини башорат қилиш ҳамда уларга қарши профилактик (олдини олиш) чора

			<p>тадбирларин ўтказиш муддатларини, экологик тоза органик (қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш) талабларини;</p> <p>-экинларнинг зарарли организмларни башорат ва мониторинг қилиш бўйича олиб бориладиган илмий –тадқиқот усуллари билиши керак;</p> <p>-қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;</p> <p>-талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</p>
--	--	--	---

ҚХВ ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи



“Ўзагрокимёхимоя” АЖ раисининг биринчи ўринбосари

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти директори

Ш. Жоникулов

Ш. Жоникулов

Х. Бекбергенов

Х. Бекбергенов

К. Маматов

К. Маматов

**Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Қибрай тумани

“30” июль 2020 йил

Қатнашдилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саймазаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошқачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарканд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инobatга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

Сўзга чикди: А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Эшитилди: ТДАУ ректори Б.А.Сулаймонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг таклифлари асосида **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимида тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш кунини деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланади. Бакалаврият таълим йўналишларининг сиртки таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан ривожланган хорижий тажрибалар асосида қуйидаги 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалар ишлаб чиқилди:

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
	Бакалаврият таълим йўналишлари	
1	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5230400	Маркетинг (қишлоқ хўжалигида)
3	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)
4	5232500	Логистика (агрологистика)
5	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият
6	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)
7	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида)
8	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
9	5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик
10	5410200	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
	5410200	Агрономия (анорчилик)
	5410200	Агрономия (дончилик)
	5410200	Агрономия (пахтачилик)
	5410200	Агрономия (мойли экинлар)
	5410200	Агрономия (шоличилик)
	5410200	Агрономия (ем-хашак экинлари)
	5410200	Агрономия (соя экини агротехникаси)
	5410200	Агрономия (техник экинлар)
	5410200	Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)
11	5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
12	5410400	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилиги (экин турлари бўйича)
13	5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
14	5410600	Зооинженерия (асаларчилик)
15	5410600	Зооинженерия (балиқчилик)
16	5410800	Ўрмончилик
17	5410900	Ипакчилик ва тутчилик
18	5411000	Мевачилик ва узумчилик
19	5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
20	5411200	Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш
21	5411500	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
22	5411600	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик
23	5411700	Иссикхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш
24	5610300	Туризм (агротуризм)
25	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)
Магистратура мутахассисликлари		
1	5A230102	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида)
3	5A232501	Логистика (агрологистика)
4	5A233301	Агробизнес ва инвестицион фаолият
5	5A310901	Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)
